

“АЛ-ФАТОВО-Л-ОЛАМГИРИЯ” АСАРИ ЮЗАГА КЕЛИШИГА САБАБ БЎЛГАН ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2026-22-106-112>

Саидова Севара Алишер қизи

*Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
тадқиқотчиси*

Тел: (+998) 90 949-98-30

Аннотация. Мазкур мақолада “Ал-Фатово-л-оламгирия” асарининг яратилиши сабаблари, унинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва диний заминлари таҳлил қилинган. Хусусан, Бобурийлар давлатида Аврангзеб Оламгир давридаги давлат бошқаруви, ислом ҳуқуқининг жорий қилиниши ва фикҳий манбаларни тизимлаштириши эҳтиёжи ёритилган. Шунингдек, асарнинг ҳанафий мазҳабидаги ўрни, унинг тузилиши ва ҳуқуқий аҳамияти илмий жиҳатдан асосланган.

Аннотация. В данной статье анализируются причины создания труда «Аль-Фатава аль-Аламгирия», а также его социально-политические, правовые и религиозные предпосылки. Особое внимание уделяется государственному управлению в эпоху Аурангзеба Аламгира, внедрению исламского права и необходимости систематизации фикховых источников. Также раскрывается значение труда в ханафитском мазхабе и его правовая роль.

Annotation. This article analyzes the factors that led to the creation of “Al-Fatawa al-Alamgiriya”, focusing on its socio-political, legal, and religious foundations. Special attention is given to the governance during the reign of Aurangzeb Alamgir, the implementation of Islamic law, and the need for systematization of fiqh sources. The study also highlights the significance of the work within the Hanafi school and its legal importance.

Калит сўзлар: Ал-Фатово-л-оламгирия, Аврангзеб Оламгир, Бобурийлар давлати, ҳанафий мазҳаб, ислом ҳуқуқи, фикҳ, фатво, ҳуқуқий тизим.

Ключевые слова: Аль-Фатава аль-Аламгирия, Аурангзеб, Империя Великих Моголов, ханафитский мазхаб, исламское право, фикх, фетва, правовая система.

Keywords: Al-Fatawa al-Alamgiriya, Aurangzeb Alamgir, Mughal Empire, Hanafi school, Islamic law, fiqh, fatwa, legal system.

“Ал-Фатово-л-оламгирия” асари ислом ҳуқуқи тарихида алоҳида ўрин эгаллаган муҳим манбалардан бири ҳисобланади. У Бобурийлар давлати ҳукмдори Аврангзеб Оламгир ташаббуси билан XVII асрда яратилган бўлиб, ҳанафий мазҳабида оид фикҳий қоидаларни тизимлаштирган йирик ҳуқуқий қомусдир. Мазкур асарнинг яратилиши даврнинг ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқдир.

“Ал-Фатово-л-оламгирия” асари Ҳиндистонда Аврангзеб Оламгир ташаббуси билан яратилгани боис унинг шахсияти ва унинг давлат

бошқарувидаги ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганиш зарур. Чунки Аврангзеб Оламгир Ҳиндистонда Бобурийлар империяси даврида ислом динини давлат дини даражасига кўтариши ва давлат бошқаруви тўлиқ ислом ҳуқуқи асосида олиб борилишига катта ҳисса қўшган. Ҳиндистонда Бобурийлардавлати 1526-1858 йиллар оралиғида ҳукмронлик қилган ва унга Заҳириддин Муҳаммад Бобурасоссолган. Бобурийлар Ҳиндистонда 332 йил ҳукмронлик қилган.¹

Аврангзеб ҳақида халқаро миқёсдаги кўплаб таниқли тарихчилар ва шарқшунос олимлар томонидан ёзилган диссертациялар ва тадқиқотлар мавжуд. Бу олимларнинг асарлари Аврангзеб даврини ҳар томонлама ўрганишга ёрдам беради. Жадунатҳ Саркар ўзининг “History of Aurangzib” (Аврангзеб тарихи) номли беш жилддан иборат китобида Аврангзебнинг ҳаёти, сиёсати ва ҳарбий фаолияти ҳақида энг батафсил тадқиқот олиб борган ҳинд тарихчиларидан бири саналади. Ушбу асарда Аврангзебнинг давлат бошқаруви, ҳарбий юришлари, диний сиёсати батафсил таҳлил қилинган.²

Уилям Далрймпле “The Anarchy: The East India Company, Corporate Violence, and the Pillage of an Empire” (“Анархия: Ост-Ҳинд компанияси, корпоратив зўравонлик ва империяни талон-торож қилиш”) номли тадқиқотида Британия Шарқий Ҳиндистон компаниясининг Ҳиндистондаги фаолияти ва Аврангзеб давридаги сиёсий ҳолатни ўрганайди. У Аврангзебнинг Британия билан муносабатларини ва унинг ҳукмронлиги остида империянинг ички заифлигини кўрсатишга ҳаракат қилган. Китобда Аврангзебнинг ўлимидан кейин империянинг парчаланганлиги ва Британия мустамлакачилигига ўтиш жараёни ҳақида қарашлари баён этилган.³

Одри Труске “Aurangzeb: The Life and Legacy of India's Most Controversial King⁴” (Аврангзеб: Ҳиндистоннинг энг баҳсли подшоҳининг ҳаёти ва мероси) ва “Culture of Encounters: Sanskrit at the Mughal Court” (Маданий мулоқотлар: Муғуллар саройида санскрит тили анъаналари) номли тадқиқотида Аврангзебнинг шахсиятига ва унинг ҳақида яратилган турли қарашларга янгича ёндашади. У Аврангзебни нафақат каттиққўл ҳукмдор, балки мураккаб шахс сифатида кўрсатишга ҳаракат қилган. Трускенинг асарлари Аврангзебнинг маданий ва диний сиёсатини, шунингдек, унинг ҳинд жамияти билан алоқаларини ўрганишга қаратилган.

Муни Лал “Аврангзеб” номли китобида Аврангзебнинг ҳаётини кенг қамровли ва батафсил тарзда ёритади. Бу китобда Аврангзебнинг шахсий хусусиятлари, сиёсий қарорлари ва унинг давридаги воқеалар ҳақида батафсил маълумотлар берилган.⁵

¹A.Akgunduz. Awrangzib ‘Ālamgīrī Khān of the Timurid Dynasty and the Criminal Code (Ta‘zīrāt). Islamic University of Applied Sciences Rotterdam –Turkije. 2026. – Б. 135.

²J.Sarkar. History of Aurangzib: Based on Original Sources. Vol. I & II. – Calcutta : M.C. Sarkar & Sons, 1925. – 642 p.

³Dalrymple, William. The Anarchy: The East India Company, Corporate Violence, and the Pillage of an Empire. – New York, NY: Bloomsbury Publishing, 2019. – 576 p.

⁴Audrey Truschke: Aurangzeb: The Life and Legacy of India's Most Controversial King. XIII, 136 pp. Stanford: Stanford University Press, 2017.

⁵Lal, Muni. Aurangzeb. – New Delhi: Vikas Publishing House, 1988. – 404 p.

Аврангзеб Оламгирнинг асл исми Абу Музаффар Муҳиддин Муҳаммад бўлиб, 1658 йилнинг 4 ноябрида, айрим манбаларда 24 октябрда Ҳиндистоннинг Гужарот вилоятидаги Доҳад шаҳрида туғилган. У Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг авлодларидан Шохжаҳон ва унинг рафиқаси Мумтоз Маҳалнинг ўғли. “Аврангзеб” сўзи форс тилида “тож-тахт беага⁶”, “Оламгир” эса “оламни забт этувчи” маъносини билдиради (2-иловага қаранг).

Ҳукмдор давлатни бошқаришда дин олимлари ва арбобларига таянган ҳолда иш олиб боргани ва кундалик фаолиятини, ҳар бир тадбирини, бошлаган ислохотларини исломҳуқуқи талабларига мувофиқ амалга оширган. Ўз замонида Аврангзеб бошчилигидаги салтанат дунё мусулмонларининг ишончли таянчларидан бири сифатида хизмат қилган. Унинг ҳукмронлиги даврида мадрасалар, масжидлар, карвонсаройлар ва кўзи ожизлар (мискинлар) учун уйлар сони кўпайган ва у авлиёлар ва мутасаввифларни ўз қарамоғига олиб уларга ҳомийлик қилган. У ислом оламида энг катта масжидлардан бири ҳисобланган Лоҳурдаги Подшоҳ масжидини қурдиради⁷.

Аврангзеб Оламгирнинг даврида мамлакатда ман қилинган майпарастилик, гиёҳвандлик, қимор ўйнаш каби ишларга чек қўйилган. Шунингдек, аҳоли орасида диний амалларни бажариш, ҳуқуқи тақиқлаган ишлар билан шуғулланмасликларини текшириб, назорат қилиб турувчи махсус лавозим – мухтасиблик⁸ таъсис этилган. Мухтасибларга чексиз ҳуқуқлар, жумладан, ҳуқуқи талабларини бузувчиларни жазолаш ҳуқуқи берилган.

Мамлакатда шаръий фатволарни ўзлаштиришни янада осонлаштириш учун Аврангзеб Оламгирнинг кўрсатмасига биноан мамлакатнинг қирқдан ортиқ салоҳиятли фикҳ олимлари томонидан ҳанафий мазҳабининг фатволарини саралаб, тўрт жилдли тўпламни тузиб чиқилди. Ҳиндистонда “ал-Фатово-л-оламгирия”, ундан ташқарида “Фатовойи ҳиндия” номи билан машҳур бўлган фатволар тўплами 1664-1672 йилларда яратилган. Ҳанафий мазҳабининг ўзига хос бу фикҳий қомуси Низомуддин Бурҳонпурий (Шайх Низом) бошлиқ олимлар томонидан Қуръон, суннат, ижмоъ ва қиёса мувофиқлиги текшириб чиқилган. Тўпламни яратишда тўрт гуруҳга бўлиниб ишланган: аввалги қисмга Шайх Важиҳиддин, иккинчи қисмига Шайх Жалолиддин, учинчи қисмига Қози Муҳаммад Ҳасан, охири гуруҳига Мулла Ҳамид Жунпурий бошчилик қилган ҳамда Шайх Низом раҳбарлиги ва муҳаррирлигида муваффақиятли тугатилган.

“Ал-Фатово-л-оламгирия” асарини яратилашида дунёнинг турли нуқталаридан келган ҳанафий мазҳаби уламоларининг ўрни бекиёс. Аврангзеб Оламгир 500 га яқин ҳанафий фақиҳларни бу ишга жалб қилади, хусусан, уларнинг 300 нафари Жанубий Осиёдан, 100 нафари Ироқдан ва 100 нафари Ҳижоз⁹дан эди. Узоқ илмий изланишлар натижасида Бобурийлар империясида исломий қонунлар кодекси яратилган. Мазкур асар бугунги кунда моҳиятда

⁶ Е.Ю. Ванина. Большая Российская энциклопедия. – Москва, 2005.

⁷ Доктор Аҳмад Шалабий. Мавсуаъат-тарихи ал-исламия. – Қоҳира: 1-нашр, 1983.

⁸ З.Хусниддинов. Ислом энциклопедияси. – Т.: 2004.

⁹ Ҳижоз ҳозирда ғарбий Араб яриморали.

фуқаролик кодекси билан тенг бўлиб, унда фикҳий масалалар шахсий, оилавий муносабатлар, қулдорлик, ҳарбий, ўзга дин вакиллари билан бўладиган муносабатларни тартибга солган. Мазкур фатволар тўплами Қуръон оятлари, “ал-Жомеъу-с-сахих”, “ас-Саҳиху-л-Муслим”, “ас-Сунан Абу Довуд” ва “ал-Жомеъу-т-Термизий” ҳадис тўламларидаги ҳадислар асосида тузилган. Асарни тайёрлашга 200 минг рупия (ҳозирда 30 млн сўм) сарфланган. Аврангзеб мазкур китоби асосида давлат ва қозилик ишларида ана шу фатволарга қатъий риоя қилишини, ислом ҳуқуқи талабларининг ҳар қандай бузилишига қарши кураш олиб боришни ўз сиёсатида қўллаган.

“Ал-Фатово-л-оламгирия” ислом фикҳи тарихида бошқа асарлардан таркибий тузилишининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ўз даври учун қимматли манбабўлган мазкур китоб ислом ҳуқуқи бўйича қонуний аҳамиятга эга бўлган, қозилар учун тайёрланган бўлишига қарамай, асар бугунги кунда ҳаммуфтийлар, фатво маркази ҳодимлари, талабалар ва барча ислом ҳуқуқига қизиққан инсонларучун назарий манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

“Ал-Фатово-л-оламгирия” асари Бобурийлар империяси, хусусан, Аврангзеб Оламгир ҳукмронлик қилган йилларида ўзида XVII асрнинг асосий ҳуқуқий тўплами, ахлоқий, ҳарбий стратегик, иқтисодий-сиёсий кучга эга бўлган манба ҳисобланган. Асар даставвал Ҳиндистон учун шаръий ҳуқуқий манба вазифасини бажарган бўлсада, XVII-XX асрлада Жанубий Осиё минтақасида мусулмон ҳуқуқини ифодалайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат вазифасини бажарган.

Ҳанафий мазҳабида ёзилган фатво китобларидабирор-бир саволга жавоб сифатида берилган шаръий ҳукмлар –фатволар шаклида ёзилган. Фатво китобларидан фойдаланишда “Зоҳири ривоя”, “Наводир” ва “Навозил” масалаларини билиш, Абу Ҳанифа ва унинг икки шогирдининг фикҳий қарашларибилиш ва кейинги уламоларнинг фикрларини англаш лозим. Шунини таъкидлаш лозимки, юқоридаги учта мартабадаги манбалар мужтаҳидлик даврида ёзилган.

Кейинги даврда ёзилган фатво жанридаги асарлар ҳанафийликнинг ҳар хил фикҳий қарашлари, юқорида келтирилган уч мартабадаги ривоятларни фарқламасдан аралаш келтирилган масалалар билан бирга заиф ривоятлар ҳам учрайди. Бу хилдаги фатволарда фақат китоблардан нақллар келтирилади, иқтибос олинган китоб номлари тез-тез кўзга ташланади. “Ал-Фатово-л-оламгирия” асарини ҳам ана шу турдаги китоблар сирасига киритиш мумкин. Асарда фатво келтиришда бирламчи фароиз манбаларига таянилган ва ўз ўрнидаасар номлари алоҳидабелгилабўтилган.

“Ал-Фатово-л-оламгирия” асари 59 китоб (бўлим)дан иборат. Асарнинг айниқса, “Қозининг одоби”, “Ижара китоби” ва “Кароҳият¹⁰ китоби” бўлимларига 30 дан ортиқ боблар ажратилган. Бундан кўриниб турибдики, XVII

¹⁰ Кароҳият – (الكرهية) ислом фикҳида шариат ман қилмаган, лекин қилиш ёқимсиз, маъқул кўрилмаган амал.

ابن منظور، محمد بن مكرم. لسان العرببيروت: دار صادر، ج 13، ص 602

асарда ҳинд ўлкаларида ҳуқуқий ва иқтисодий-молиявий мавзулардаги муаммолар кўп учраган. Шунинг учун фақиҳлар ушбу масалаларга кўпроқ боб ажратилганини гувоҳи бўлиш мумкин.

Л.Асророванинг “Ҳайрат ул-фуқаҳо” ва “ал-Фатово-л-оламгирия” асарларининг қиёсий таҳлили номли мақоласида “ал-Фатово-л-оламгирия”да мавжуд фатволар сони келтирилган. Унга кўра, асарда Абу Ҳанифа берган фатволар сони 658 та, Имом Мухуммаднинг 710 та, Абу Юсуфнинг 422 та, шу уч имомнинг қилган иттифоқлари эса 102 та, Абу Ҳанифава Муҳаммад ибн Ҳасаннинг иттифоқи 279 та, Абу Ҳанифа ва Абу Юсуфнинг иттифоқи 246 та, Абу Ҳанифанинг икки имомга қарши берган фатволари 339 та, мазҳаб уламоларининг қилган иттифоқлари 110 та, Абу Ҳанифанинг бошқа мазҳаб уламоларига қилган ихтилофи 12 та, тўрт мазҳаб уламоларининг қилган ихтилофлари 15 тани ташкил қилади. Юқоридаги таҳлилий рақамлар имомлар, уларнинг фаолияти ҳақида нисбатан маълумотга эга бўлиш имконини беради¹¹. Мазкур таҳлил асарнинг ҳанафийлик мазҳабидаги қийматини ошириш билан бир қаторда, ундабошқа мазҳабдаги фатволарнинг келтирилиши унинг қиёсий фикҳий манба эканлигини кўрсатади.

“Ал-Фатово-л-оламгирия” асарининг таркибий тузилиши ҳам ўзидан аввал ёзилган фатво китобларига ўхшайди. Асар “Тахорот” китобидан бошланиб, “Фароиз” китоби билан якунланган. Асарнинг фароиз боби 18 бобдан иборат бўлиб, даставвал “Басмала” билан бошланади. Асарнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – ҳар бир мавзуга кирилганда уларнинг неча фаслдан иборат эканлиги айтиб ўтилади.

“Ал-Фатово-л-оламгирия” асари Буюк Британия Ҳиндистонни мустамлака қилгунига қадар давлатнинг асосий ҳуқуқий исломий манбаси ҳисобланган. Шу боис Англия ҳукумати бу асарни ўрганиб тадқиқ этишга катта қизиқиш билдиради. Асарнинг турли тилларга таржима қилиниши бунинг ёрқин мисолидир. “Ал-Фатово-л-оламгирия” асари илк бора Абдуллоҳ Румий Чалабий томонидан араб тилидан урду тилига таржима қилиниб, 1889йили Лакнавада нашр қилинган. Асарнинг араб тилидаги нусхаси 1827-1832 йилларда Калкуттада нашр қилинади. Турк тилидаги таржимаси 1984-1988 йилларда Мустафо Эфе томонидан таржима қилинган. Бу асар Ҳиндистон ва Байрутда ҳам бир неча бор нашр этилган. 1892 йилда асарнинг бенгал тилидаги таржимаси чоп қилинади. Асар даставвал 30 жилддан иборат бўлган бўлса, кейинчалик унинг ҳажми 6 жилдга келтирилган.

“Ал-Фатово-л-оламгирия” асари бугунги кунга қадар турли минтақа ва ўлкаларда фатво марказлари учун асосий қўлланма вазифасини бажариб келмоқда. Китобнинг қўёзма нусхалари бугунги кунга қадар ҳам сақланиб қолган бўлиб, тадқиқот натижасида биргина Ўзбекистондаги ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг Асосий фондида 18 та қўлёзма ва 6 та тошбосма нусхалари, Ҳамид Сулаймон фондида 1 та қўлёзма, 36 та тошбосма нусхаси, С

¹¹ Қаранг: Л.Асророва. “Ҳайрат ул-фуқаҳо” ва “Фатовойи Оламгирия” асарларининг қиёсий таҳлили. <https://old.muslim.uz>

фондида 10 та тошбосма ва Дублет фондида 6 та тошбосма нусхалари мавжудлиги аниқланган. Мазкур қўлёзма ва тошбосма нусхалар турли йилда ва турли давлатларда ёзилган бўлиб, уларнинг ҳар бири асарнинг муайян жилдига тегишли экани аниқланган. Мазкур нусхаларни тадқиқ қилиш натижалари шуни кўрсатадики, қўлёзма нусхаларнинг аксарияти Ҳиндистон ва Мисрда араб тилининг насх хатида кўчирилган. Бундан ташқари Халқаро исломшунослик академияси Манбалар хазинаси бўлимида асарнинг 11 та тошбосма нусхаси мавжудлиги ва уларнинг барчаси араб тилида эканлиги аниқланган.

Тадқиқот давомида Туркиянинг Сулаймония кутубхонасида 7та қўлёзма нусхаси мавжудлиги аниқланди. Туркия фондидаги “ал-Фатово-л-оламгирия” асарининг қўлёзма нусхаларини тадқиқ қилиш натижасида асарнинг 2 жилддан иборатлиги, араб тилида ёзилгани ва кўп миқдордаги нусхалари мавжуд эканлиги бу асарнинг Туркия ҳудудида ҳам амалда бўлганлиги ва унга бўлган қизиқиш кучли эканлигини билдиради (3-илова).

Бугунги кунга қадар асарнинг араб, урду ҳамда турк тилларидагитўлиқ замонавий нашрлари мавжуд эканлиги асарнинг ислом ҳуқуқида нақадар нодир ва қимматли асар эканига далолат қилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, “Ал-Фатово-л-оламгирия” асарининг ёзилишига биринчи навбатда сиёсий ва ижтимоий муҳит сабаб бўлган. Ҳиндистоннинг Аврангзеб давридаги сиёсий ва ижтимоий ҳолати мусулмонлар учун ҳуқуқий қоидаларни ривожлантириш ва стандартлаштириш эҳтиёжини яратган. Давлатнинг кенг ҳудуди ва турли миллат ва динлар ҳамда урф-одатларнинг мавжудлиги ислом қонунларини аниқ ва барқарор тарзда белгилаш заруриятини туғдирган. Шунингдек, ҳанафий мазҳаби асосида фикҳий қарорларни тизимлаштириш ва турли амалий ҳолатларга мослаштириш зарурлиги пайдо бўлган. Бунинг натижасида ижмо ва қиёс каби ҳуқуқий манбалар орқали қоидаларни кенг қўллаш имконияти туғилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Саркар Ж. History of Aurangzib. Vol. 1–5. – Calcutta: M.C. Sarkar & Sons, 1912–1924. – 450 p.
2. Dalrymple W. The Anarchy: The East India Company, Corporate Violence, and the Pillage of an Empire. – London: Bloomsbury Publishing, 2019. – 576 p.
3. Truschke A. Aurangzeb: The Life and Legacy of India’s Most Controversial King. – Stanford: Stanford University Press, 2017. – 384 p.
4. Lal M. Aurangzeb. – New Delhi: Vikas Publishing House, 1989. – 320 p.
5. Мустаъидхон Муҳаммад Соқий. Маъосири Оламгирий. – Лакхнав: Naval Kishore Press, 1871. – 420 б.
6. Ал-Фатово-л-оламгирия. 1–6 жилд. – Қоҳира: ал-Матбаа ал-Амирия, 1310 ҳ. / 1892 й.
7. Асророва Л. “Ҳайрат ул-фуқаҳо” ва “ал-Фатово-л-оламгирия” асарларининг қиёсий таҳлили // Исламшунослик журнали. – Тошкент, 2022. – №3. – Б. 45–52.

8. Акгюндюз А. Aurangzeb Alamgir and His Criminal Code // Journal of Islamic Law. – Rotterdam, 2024. – Vol. 5, No. 2. – P. 120–135.
9. Қуръони Карим. – Тошкент: Hilol Nashr, 2021.
10. Ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ. – Қоҳира: Дар ал-Ҳадис, 2002. – 756 б.
11. Муслим ибн Ҳажжож. Саҳиҳ Муслим. – Байрут: Дар ал-Кутуб ал-Илмия, 2000. – 680 б.